



## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ ПЛАТФОРМАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Пойтахтимизда 24 март куни биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз иштини бошлади. Форумнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Сессияда, шунингдек, Евро-па тикланиш ва тараққиёт банки президенти Оди́ль Рено-Бассо, Осиё

тараққиёт банки президенти Масацу́гу Асакава, Саудия Арабистони подшоҳлиги инвестициялар вазири

Холид ал-Фалих, Жаҳон савдо ташкилоти вице-президенти Сянчен Чжан, Осиё инфратузилмавий



инвестициялар банки вице-президенти Константин Лимитовский, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Стефани фон Фридербург қатнашди. Тадбирда BBC World News халқаро телеканалда янгиликлар бошловчиси сифатида танилган, ҳозирда эса Европа тикланиш ва

тараққиёт банкининг коммуникация масалалари бўйича директори Лавонимиди фаолият юритаётган Жонатан Чарльз модераторлик қилди.

Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини кутлаб, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохот ва янгиланишлар

тўғрисида сўзлади ҳамда юртимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАМИЗ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз, азизларни — биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг барча иштирокчиларини меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий кутлашга ижозат бергайсиз.

Бугунги анжуманимизда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳамда жаҳоннинг етакчи компаниялари раҳбарларини, мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлган давлатларнинг юқори даражадаги вакилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Хурматли форум иштирокчилари!

Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортди келган. Буюк ипак йўлининг марказида

жойлашган юртимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлган. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Миср каби мамлакатларда шаклланган цивилизация ва маданият намуналари айнан қадимги Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учрашиб, бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Бунинг натижасида 3 минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакатимиз узоқ давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисодий, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ топган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кўхна заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, дунёвий ва диний илмларнинг улуг намоёндалари бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилаётган ноёб кашфиёт ва бебаҳо асарлар яратиб, уларни жаҳон аҳлига мерос қилиб қолдирганлар. Мисол учун,

ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлган “қарантин” тушунчасини Европада “Авиценна” номи билан танилган аждодимиз, буюк шифокор Абу Али ибн Сино бундан минг йил муқаддам биринчи бўлиб амалиётга жорий қилгани тарихдан яхши маълум.

Замонавий инновация ва блокчейн технологиялари ва сунъий интеллект негизини ташкил этувчи алгоритм атамаси яна бир улуг аждодимиз — Муҳаммад Хоразмий номи билан боғлиқ эканидан сизлар албатта хабардорсиз.

Машҳур давлат арбоби, айни пайтда буюк астроном бўлган Мирзо Улугбек эса XV асрдаёқ Самарқандда расадхона қурдириб, миндан ортик юлдузларнинг энг тўғри координатларини аниқлаб, илм-фан ривожига бекиёс ҳисса қўшган.

Юксак тафаккур эгаси бўлган яна ўнлаб ватандошларимизнинг ўтмишда физика, геодезия,

кимё, фалсафа ва тарих, меъморлик, тасвирий санъат, илоҳийёт ва бошқа йўналишларда яратган илмий кашфиётлари ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмасдан келаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувига кўра, Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни магистрал транзит коридорлари орқали боғлаб турадиган Марказий Осиё минтақасининг ўзаги ҳисобланади.

Биз “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттирмоқдамиз.

Бундан 5 йил аввал биз Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиб, унинг доирасида кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўлини танладик. Ушбу ислохотлар дастури давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳаларини

қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларни ўзида мужассам этган.

Биз, биринчи навбатда, илгари инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига кириши ва эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган барча омилларни бартараф этиб, тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиб бердик.

Биринчидан, 2017 йилда миллий валютаимиз — сўмнинг эркин конвертациясини жорий этиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловларни олиб ташладик.

Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди. Дунё бозорларига миллий валютаимизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 март куни биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Оди́ль Рено-Бассо хоним, Осиё тараққиёт банки президенти Масацу́гу Асакава, Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси, Туркиянинг Адолат ва тараққиёт партияси раиси ўринбосари Бинали Йилдирим, Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Холид ал-Фалих ва Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Маазруий билан учрашувлар ўтказди.

Оди́ль Рено-Бассо хоним билан учрашувда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини илгари суришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг фаол иштирокини давом эттиришга доир амалий жиҳатлар муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕТТБ ҳамкорлигида мисли кўрилмаган юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Банкнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари портфели 3 миллиард еврога

етди, унда хусусий секторга инвестициялар улуши 50 фоизгача ошди.

Ушбу етакчи молиявий институтнинг сармоялари ҳажми бўйича Ўзбекистон кетма-кет иккинчи йил минтақада пешқадам бўлиб турибди.

ЕТТБнинг Андижон ва Урганч шаҳарларидаги филиаллари фаолият юритмоқда.

Президент Оди́ль Рено-Бассо давлатимиз раҳбарини Тошкент халқаро инвестиция форумининг муваффақиятли ўтказилгани билан самимий кутлаб,

банк Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси мақсадларига эришиш йўлида тўлиқ қўллаб-қувватлашга тайёрлигини тасдиқлади.

Учрашувда шериклик муносабатларини кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олинди.

Давлат корхоналари ва банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, “яшил” тараққиёт, энергетика ва транспорт соҳаларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини, энг аввало, инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суришга жорий қилиш, шунингдек, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигига оид дастурларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистонда ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишини

ўтказишга тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди.

Осиё тараққиёт банки президенти Масацу́гу Асакава учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисини нуфузли халқаро молия институтлари раҳбарлари ва бизнес вакилларини жамлаган Инвестиция форуми муваффақиятли ўтказилгани билан табриқлади.

ОТБ билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ва истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ОТБ президентини яқинда навбатдаги муддатга қайта сайлангани билан самимий табриқлаб, Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар дастурини илгари суришда, шу жумладан, коронавирус пандемияси оқибатларини олдини олишда кўрсатилаётган кўмак учун алоҳида миннатдорчилик билдирди.

Давоми 2-бетда

## “БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ — ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАРЧАСИ”

ДЕЙИШМОҚДА УШБУ АНЖУМАННИНГ ХОРИЖЛИК ИШТИРОКЧИЛАРИ

24 март куни пойтахтимизда биринчи Тошкент халқаро инвестициявий форуми ўз иштини бошлади. Форумда дунёнинг 56 мамлакатидан 1 минг 500 дан зиёд ишбилармон ва сиёсий доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Форумда Ўзбекистоннинг инвестиция, савдо, саноат, транспорт ва транзит салоҳияти муҳокама этилди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича кейинги қадамлар, ҳукуматнинг мамлакатни

стратегик ривожлантириш, хусусий секторни рағбатлантириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва бошқа соҳалардаги устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Давоми 3-бетда

# ИНВЕТОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАМИЗ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ

### БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, биз банк-молия соҳасидаги ислохотларимизни тизимли равишда давом эттириш зарурлигини албатта яхши тушунаимиз.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда очкичлик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имкониятини яратдик. Яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди.

Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очкич давлат мақомини кўлга киритгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

**Учинчидан**, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни амалга ошириш мақсадида алоҳида Агентлик ташкил этилди.

Бу соҳада бошлаган ишларимизни давом эттириб, иқтисодиётда шаффофликни таъминлаш ва коррупцияга қарши қатъий кураш олиб бориш янада кучайтирилмоқда.

**Тўртинчидан**, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилишни ҳам энг устувор вазифа сифатида белгилادик.

Икки йил аввал Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистонни қонун ва адолат мустаҳкам қарор топган демократик мамлакатга айлантириш, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш — энг олий мақсадларимиздан бири сифатида кун тартибига кўйилди.

**Бешинчидан**, ислохотларимизнинг муҳим йўналиши сифатида мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиа макон яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги энг муҳим ютугимиз шуки — биз жамиятимизда “ёпиқлик муҳити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз.

**Олтинчидан**, кўп йиллар давомида мамлакатимизни турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ борахмас берилди. Бунинг эътироби сифатида қўйида халққор Нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси — “Cotton Campaign” ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

**Еттинчидан**, биз ислохотларимизнинг биринчи кундан бошлаб таълим ва инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз.

Сўнги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактабга таълим муассасаси ташкил этилиб, ушбу масканларда тарбия олаётган болаларимиз қамрови аввалги 27 фоиздан 67 фоизга кўтарилди.

Бундан ташқари, 200 га яқин янги мактаб барпо этилди, 3 мингдан ортиқ мавжуд мактаб эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди. Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим даргоҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамрови даражаси олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди ва бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон ва зарур буюмлар билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори ўтган даврда 12 баробар кўпайтирилди.

**Саккизинчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда солиқларнинг умумий сонини 13 тадан 9 тага туширдик. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Шу билан бирга, импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкалари ҳам камайтирилди. Шунингдек, ўтган 5 йил ичида 200 га яқин лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкнини янада камайтириш ҳамда солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

**Тўққизинчидан**, Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиб, сармоядорларга ҳар томонлама кўмак берадиган, барча ҳудуд ва тармоқларни қамраб олган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолияти йўлга қўйилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошди, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўйилди.

Шунингдек, тўқимачилик, чарм-поийабзал, фармацевтика, электротехника, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, озик-овқат саноатлари ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга ҳамда экспортнинг йиллик ҳажмини салкам 20 миллиард долларга етказишга муваффақ бўлдик.

**Унинчидан**, икки йил аввал мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағалликни бартараф эттишни Хукумат сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айлантирдик.

Ушбу йўналишда алоҳида Стратегия қабул қилиниб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Натижада қисқа даврда ярим миллиондан ортиқ оилани муҳтожлар тоифасидан чиқаришга эришилди.

Умуман олганда, 5 йил давомидаги ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу фикрни ислохотларимизнинг дастлабки йилларидаёқ иқтисодиётимизнинг йиллик ўртача ўсиши — 5 фоизни, саноат соҳасида эса — 8 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Олтин-валюта захираларимиз 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга етди.

Ҳатто коронавирус пандемияси авж олган 2020 йилда ҳам мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг ўсишида ижобий динамика сақлаб қолганини, 2021 йилда эса унинг ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ислохотлар йўлининг тўғри танланганидан далолат бўлиб, бизни янги амалий марраларга даъват этмоқда.

Муҳтарам форум иштирокчилари! **Мамлакатимиздаги 5 йиллик ислохотлар жараёнининг энг муҳим ютуғи сифатида бир фикрни тўла ишонч билан таъкидлаш мумкин: Ўзбекистонда ислохотлар ортга қайтмайдиغان муқаррар тус олгани реал ҳақиқатдир.**

Яқинда биз келгуси 5 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини қабул қилдик. Ушбу Стратегия “**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**” деган тамойил асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда эркин

фуқаролик жамияти ва инсон капиталини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилган.

Стратегиямизнинг пировард мақсади — давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларида “**Инсон кадри учун**” ғоясини ҳаётга таъбиқ этишни кўзда тутади.

Бу йўналишлар кўйилдилардан иборат. **Биринчи йўналиш** — мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш.

Жумладан, кенг қўламли маъмурий ислохотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратиш, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигини ошириш орқали ишбилармон ва тадбиркорларга кўмак берадиган, илҳам ва юқори самарали хукумат тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

**Иккинчи йўналиш** — давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш.

Халққор молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат қорхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортиқ фаолият турлари бўйича монополиялар тугатилади, тижорат банкларига трансформация жараёни давом эттирилиб, банк активларида хусусий секторнинг улуши 60 фоизга етказилди, давлат иштирокидаги қорхоналар сони камида 3 баробар қисқартирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Форумда қатнашаётган сиз, хурматли инвестор ва тадбиркорларга ошқоралик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ўтказиладиган хусусийлаштириш жараёнида кенг иштирок этишингиз учун барча шароитлар яратишимизни таъкидлаб айтамоқчиман.

**Учинчи йўналиш** — мамлакатимизда инфратузилмани жадал ривожлантиришни давом эттириш.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Барчангизни ушбу жараёнларда фаол иштирок этиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этаймиз.

**Тўртинчи йўналиш** — иқтисодиётимизни саноатлаштириш доирасида бий хомашё захираларимизни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон кўплаб фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёнинг юқори ўринида турадиган 20 та давлати қаторига кирди. Жумладан, мамлакатимиз олтиннинг ресурс базаси бўйича дунёда — 2-ўринни, мис бўйича — 7, вольфрам бўйича — 8, кумуш бўйича — 9, уран бўйича 12-ўринни, табиий газ ишлаб чиқариш соҳасида эса 16-ўринни эгаллайди.

Ана шундай бой хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаган ҳолда, келгуси 5 йилда кимё ва газ-кимё, мисни қайта ишлаш, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва кўплаб бошқа соҳаларда 120 миллиард долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган.

**Бешинчи йўналиш** — инсон капиталига инвестиция киритиш.

Келгуси 5 йилда мактабга таълим соҳасида — 7 мингдан зиёд янги муассасалар ташкил этиш орқали қамров даражаси ҳозирги 67 фоиздан 80 фоизга етказилади, мактаб таълими тизими учун

қўув дастурлари ва дарсқилар илгор хорижий тажриба асосида тўлиқ қайта ишланади ва қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи учун янги мактаблар барпо этилади, олий таълим соҳасидаги қамров даражаси 50 фоизга етказилади.

Биз профессионал таълим тизимини илгор халққор стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни замон талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун IT ва муҳандислик йўналишларига иختисослаштиришни устувор вазифа сифатида белгилладик.

Масалан, Бирлашган Араб Амирликлари хукумати билан биргаликда амалга оширилаётган “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатларимиз намунаси дир. Мақсадимиз — иқтисодиётимизнинг “драйвер” тармоқларини етук ва малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлашдан иборат.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий ресурслар билан бирга катта инсоний салоҳиятга, замонавий билим ва чет тилларни пухта ўзлаштирган янги авлод кадрларига эга. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз ҳисобланади.

**Олтинчи йўналиш** — мамлакатимизда ташқи савдонини янада эркинлаштириш, экспорт ва импорт фаолиятлари учун қўшимча қулайликлар яратиш.

Ўзбекистон яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш учун аниқ қадамлар қўймоқда. Ҳозирнинг ўзида республикамизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси булган минтақавий бозорларга чиқиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP+” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин.

Шунингдек, миллий экспортчиларимизга қўшимча имкониятлар яратиш учун ҳозирги вақтда Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ва эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.

Мавжуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафғон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли орқали Осиё — Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодал транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратиш бўйича ҳам амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Еттинчи йўналиш** — мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш.

Бу соҳа ривож учун амалий таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида 2022 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторларни кенгайтириш лойиҳаларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилади.

Шунингдек, краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда, барча тармоқ ва ҳудудларда инвестор ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш амалиётини давом эттирамиз.

Бизнинг мамлакатимизда 20 август санаси Тадбиркорлар кўни сифатида белгиланган. Айни шу кунда Президентнинг тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри учрашуви бўлиб ўтади. Мен бугунги анжуманда иштирок этаётган барча инвестор ва тадбиркорларни бўлғуси ана шундай мулоқотда ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлар билан иштирок этишга мамнуният билан таклиф этаман.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ислохотларимиз натижасида келгуси 5 йилда ялли ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга,

йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади.

Биз Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жойи олишига эришишни аниқ мақсад қилиб қўйганмиз.

Хурматли дўстлар! Охириги йилларда дунёда юз бераётган пандемия синовлари, иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд қийинчиликлар ва бошқа муаммолар бизни ностандарт чоралар қўришга, янгица вазиятда ишлаш ва натижага эришишга ўргатмоқда.

Дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон — яшаш ва ишлаш учун тинч ва хавфсиз макон сифатида танилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз инвесторлар учун энг қулай ва жозибадор шароитлар яратиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштирамиз.

Ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги энг мураккаб вазифа — бу фақат қонунчиликни ўзгартириш ёки турли стратегияларни ишлаб чиқишдан иборат эмас. Булар албатта муҳим, лекин энг асосийси — одамларнинг дунёқараши ва фикрини ўзгартириш эканини, ўйлайманки, дунёдаги барча ислохотчилар тан олса керак.

Бугун ушбу залда Ўзбекистон Республикаси Президенти командаси аъзолари — вазирлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳам қатнашмоқда. Уларнинг ҳаммаси, юқорида таъкидланганидек, юксак малакали мутахассислар, замонавий дунёқарашга эга, Янги Ўзбекистон вакиллари бўлиб, ушбу Форумга тайёргарлик доирасида мендан аниқ топшириқлар олишган. Бу раҳбарлар Форумга таширф буюрган Сиз, хурматли меҳмонларимиз билан амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиши, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, энг муҳими — инвестор ва тадбиркорлар ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш учун мунтазам ишлашга тайёр.

Шунингдек, Форум ишида хорижий шерикларимиз билан янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилганга тайёр бўлиб турган Ўзбекистоннинг етакчи тармоқ бирлашмалари, хусусий компаниялари ва қорхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Форум доирасида сизларнинг эътиборингизга Ўзбекистонда ўз бизнесингизни самарали юритишингиз учун мавжуд шароитлар ва янги истиқболлар тўғрисида кенг маълумот берадиган 30 дан зиёд тадбирлар билан бир қаторда, 200 дан ортиқ жозибадор лойиҳалар бўйича таклифлар ҳам ҳавола этилади.

Хурматли инвесторлар! Хонимлар ва жаноблар!

Маълумки, ҳозирги замон бутун иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнига ўтаётган, “яшил” технологиялар ва инновацион тараққиёт ҳар қандай соҳа ва бизнес ривож учун устувор аҳамият касб этаётган бир даврдир. Бизнес ва тадбиркорлик, халққор иқтисодий алоқалар учун бекиёқ имкониятлар очилаётган мана шундай шароитда сизларни қадимий цивилизация ва маданият маскани бўлган, бугунги кунда янгилаш ва ислохотлар йўлидан дадил бораётган Янги Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик ўрнатилганга қатъий алоқалар.

Сизларнинг мамлакатимизда муваффақиятли фаолият олиб боришингизни таъминлаш — Ўзбекистон Президенти ва Хукумати томонидан қафолатланади.

Барчангизни улкан ва муштарак мақсадларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янги, янада юксак босқичга кўтариш учун фаол амалий ҳаракатларга даъват этаман.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига Форум натижалари бўйича муҳим ва самарали келишуларга эришишни, келгуси ишларига эса янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда лойиҳалар портфели икки баробарга кенгайиб, бугунги кунда 9 миллиард доллардан ошди. Қўшма лойиҳалар доирасидаги инвестицияларни ўзлаштириш суръатлари ҳам икки баробар жадаллашди.

Банк томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ва орта қайтмас тус олган ислохотлар, шу жумладан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, молия сектори, энергетика, транспорт ва инфратузилмани модернизация қилиш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кўрсатилган техника кўмак юқори баҳоланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва ОТБ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг янги дастурини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, “яшил” иқтисодиётни жадал жорий этиш, лойиҳаларни ара-лаш молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, бизнес, шу жумладан, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш дастурларини кенгайтириш, давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини жорий қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги стратегик шерикликнинг устувор йўналишларини илгари суриш бўйича “Йўл харитаси”ни биргаликда қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси, Туркиянинг Адолат ва тараққиёт партияси раиси ўринбосари Бинали Йилдирим учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг саломини ва энг эзу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик муносабатларининг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди. Ўзаро савдо ҳамжлари ортмоқда, замонавий саноатни барпо этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги Стратегик шериклик бўйича олий даражадаги кенгашининг навбатдаги йилгилишини ўтказишга фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўтган йил ноябрь ойида ташкилотнинг Истанбул саммитига эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, транспорт ва логистика, саноат кооперацияси, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, инновациялар ва юқори технологиялар трансфери каби соҳалар

даги қўшма ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриш шулар жумласидан.

Минтақа кун тартибидидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Халид ал-Фалех Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ол-Сауд ва Валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад ол-Сауднинг саломини ва энг эзу тилакларини етказди.

Суҳбат чоғида кўп қиррали Ўзбекистон — Саудия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, йирик инвестиция лойиҳалари, энг аввало, энергетика соҳасида илгари сури-лаётганини юқори баҳолади.

“ACWA Power” корпорацияси мамлакатимизнинг турли ҳудудларида энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ ПЛАТФОРМАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон замини қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қаровон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлгани, кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортди келгани қайд этилди.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга мамлакатимиз узоқ давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисод, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванг топаган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу аъёнларнинг давоми сифатида "Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари" тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттириш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосий йўналишларини санаб ўтди.

Хусусан, 2017 йилда қатъан ташланди — хорижий валютани конвертация қилиш, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш бўйича чекловлар бекор қилинди. Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди.

Халқаро ҳамжамият учун очиқлик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилди, яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса энгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди. Бу кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз минтақада энг очиқ давлат мактабига қўшилди.

Коррупцияга қарши курашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. 2020 йилда Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиб сайланди.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон капиталини ривожлантиришда эришилган

муваффақиятлар қайд этилди. Хусусан, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактабга таълим муассаси ташкил этилиб, 200 га яқин янги мактаб барпо этилди, 3 мингдан ортиқ мавжуд мактаб эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди. Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим даргоҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натيجада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражасини олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказишга эришилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда, жумладан, солиқ юкни энгиллаштириш, боғжона божларини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицион муҳитни яхшилашдаги натижалар ҳам санаб ўтилди.

Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробарга ошди, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши 2,5 миллиард ортиқ янги иш ўринлари яратилишига муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларига батафсил тўхтади. Булар — мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш чораларини изчил давом эттириш, илм ва юқори натижадор, бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат бошқаруви тизимини яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, инфратузилмани жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллий хомашё негизда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инсон капиталига сармоя киритиш, ташқи савдонни либераллаштириш ва гендер тенгликни таъминлаш.

Умуман олганда, амалга оширилган ислохотлар натижасида кейинги



5 йил ичида ялли ички маҳсулотни 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга, хусусий секторнинг ялли ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга етказиш кўзда тутилгани таъкидланди. Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар учун энг қулай ва жозибадор шaroитларни яратиш, хорижий ҳамкор ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шерикликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишлар қатъий давом эттирилишини таъкидлади.

Сўзининг якунида Президентимиз иштирокчиларга форум иши муваффақиятли, ҳамкорлик эса самарали бўлишини, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришишни тилади.

Сессия давомида халқаро молиявий институт ва ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Форумнинг шўба сессиялари ва мунозараларида Ўзбекистоннинг инвестициявий, иқтисодий ва саноат салоҳияти, минтақавий ва глобал савдо алоқаларини ривожлантириш истиқболлари, инвестицияларни жалб қилиш, савдонни либераллаштириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимизни индустриаллаштириш бўйича галдаги қадамлар, саноатни юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш, миллий энергетика тармоғини трансформация қилиш ва мубоил энергия манбаларига ўтиш чоралари, минтақа мамлакатларининг транспорт жиҳатидан боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинади.

Ковиддан кейинги даврда иқтисодий фаворитликни тиклаш ва унинг жадал ривожланишини рағбатлантириш, камбағалликни қисқартириш, пул-кредит сиёсатини тартибга солиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, банк соҳаси ва молия бозорини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Форум дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони

Подшоҳлиги ўртасидаги Савдо, иқтисодиёт, фан ва технологиялар, маданият, спорт ва ёшлар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 5-йигилиши, "Саноат кооперацияси. Янги имкониятлар" мавзусидаги Ўзбекистон — Хитой инвестиция форуми ҳамда халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари раҳбарлари ва тараққиёт бўйича ҳамкорлар иштирокида Ўзбекистон бўйича мамлакат платформаси бўлиб ўтади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 26 март кун иши якунлади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида яна бир муҳим воқеа — Сурхондарё вилояти Ангор туманида янги иссиқлик электр станцияси қурилишига бўғилган маросим бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев бўлажак станциянинг қуввати ва самарадорлиги ҳақида сўзлади.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 1 минг 560 мегаватт қувват яратилади, йилга 12 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар ўрнатилиб, йилга 1 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Мажмуа Сурхондарёдаги биринчи, охириги йилларда юртимизда барпо этиладиган энг йирик иссиқлик электр станцияси бўлади. Бу ҳудуднинг кексиз иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга катта имкониятлар яратди.

Масалан, Сурхондарёда нефть, газ, кўмир, қимматбаҳо ва рангли металллар, кўп турдаги безак тошлар каби 100 дан ортиқ конларга эга бўлса-да, улар етарли даражада ўзлаштирилмаган. Шунинг учун келгуси беш йилда бу вилоятда 7 миллиард долларлик 5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу станцияда ишлаб чиқарилган электр энергияси Сурхондарёдаги 500 минг хонадонни ҳам нурга тўлдирди. Бундан ташқари, қўшни Афғонистонга йилга камида 3 миллиард килловатт-соат электр энергиясини экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Лойиҳанинг қурилиш даврида 2000, ишга тушгандан сўнг доимий 150 та иш ўрни яратилади.

Лойиҳа Германиянинг "Siemens Energy", Франциянинг "EDF", Нидерландиянинг "Stone City Energy" компаниялари томонидан давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари бунга алоҳида эътибор қаратиб, соҳада хусусий капитал иштирокига кенг имкониятлар очилаётганини таъкидлади.

— Биз охириги йилларда энергетика соҳасида катта ислохотларни амалга ошириб, соҳани тўлиқ трансформация қилмоқдамиз. Жумладан, электр ишлаб чиқаришга илк бор хусусий сектор иштироки учун кенг имкониятлар очилди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 1 минг мегаваттдан зиёд бўлган 5 та электр станцияси давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилди. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард доллардан ошди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хозирги кунда мамлакатимизда қуввати 9 минг мегаватт бўлган яна 19 та электр станцияси барпо этилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд.

Президентимиз тадбирда иштирок этган халқаро молиявий институтлар ва компаниялар раҳбарларига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини яна бир бор таъкидлади.

Тадбирда иштирок этган "Siemens Energy" компанияси президенти Кристиан Брух ва "EDF" компанияси ижрочи директори Беатрис Буффон Ўзбекистонда энергетика тизими замонавий технологиялар асосида модернизация қилинаётганини юксак баҳолади. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб, мазкур лойиҳани юқори сифатда амалга оширишларини таъкидлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари инвесторлар билан бирга рамзий тугмани босиб, иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб берди.

Мазкур станцияни 2024 йил охирида ишга тушириш режалаштирилган.

ЎЗА

## “БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ — ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ДАРЧАСИ”

дейишмоқда ушбу анжуманнинг хорижлик иштирокчилари

Бошланиши 1-бетда

Форумнинг ялли мажлисида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. У ўз нутқида сўнгги бир неча йил ичида мамлакатда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар, шунингдек, уни янада

ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўзлади.

Анжуманнинг биринчи кун натижалари ушбу тадбир, шубҳасиз, ўз самарасини беришини ва янги йирик лойиҳалар ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асосий майдон бўла олишини намоён этмоқда.

### Максат МАМИТКАНОВ, Евроосиё Иқтисодий Комиссиясининг Божхона ҳамкорлиги бўйича ҳайъати аъзоси:

— Ўзбекистон имкониятларини яна бир бор ўрганиш, ташкилоти-мизда кузатувчи бўлган хорижий инвесторларнинг мамлакатга қизиқишини кўриш мақсадида республика ҳукуматининг таклифи бўлиб ушбу форумда иштирок этяпмиз.



Узаро иқтисодий манфаатларимизни илгари суриш, ҳамкаб-ларимиз билан яхши алоқалар ўрнатиш, шунингдек, мавжуд муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишдан манфаатдоримиз.

Ўзбекистонда деярли барча иқтисодий жараёнлар рақамлаштирилаётгани гувоҳи бўлиб туриб-

### Иман СЕГОАНА, Буюк Британиянинг "MHINC LTD" компанияси директори:

— Форум Ўзбекистоннинг саноатни ривожлантириш соҳасини модернизация қилиш ва халқаро ҳамкорликка содиқ эканлигини намойиш этади. Бу нафақат мамлакатнинг ўзини ўзи таъминлаш, балки глобал модернизация ишига ҳам ёрдам беради.



Ўзбекистон Президентининг тадбирнинг очилиш маросимидаги маърузаси менда катта таассурот қолдирди. У мамлакат қандай ривожланаётгани, иқтисодий сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари ҳақида аниқ ва равшан сўзлаб берди. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги тўғрисидаги фикрлари менга жуда маъқул бўлди. Тўғри, биз иқтисодиётни ривожлантиришимиз керак, аммо ижтимоий масалаларни ҳам унутмаслигимиз зарур. Оддий одамлар фаровонлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлмоғи лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги архитектура менга жуда ёқди. У жуда чиroyли. Бундан ташқари, мамлакатингизда бўлаётган ўзгаришлар мени ҳайратда қолдирди. Мамлакатни илгари борича тезроқ модернизация қилиш истаги борлигини кўриш ҳам муҳим. Булар йигирма, ўттиз йиллик режалар эмас, балки кейинги беш йил давомида амалга ошириладиган жиддий ўзгаришлардир.

### Марат ТЕРТЕРОВ, Энергетика хартияси котибиятини кенгайтириш бўлими бошлиғи, Брюссель Энергетика клуби асосчиси:

— Аввало, Ўзбекистонни 24-26 март кунлари бўлиб ўтаётган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумини ташкил қилгани билан қутлайман. Ўзбекистон тўғрисидаги хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича жуда муҳим мамлакат ҳисобланади. Мазкур форум хорижий инвестицияларни жалб этиш нуктаи назардан Ўзбекистон мутлақо янги ва етакчи босқичга кўтарилгандан далолат беради.



Анжуман Ўзбекистоннинг энергетика ҳамда иқтисодиётнинг бошқа турли тармоқларида жиддий лойиҳаларга эга эканлигини намойиш этишга қаратилган, деб ўйлайман.

Форум келгусида инвестицияларни ривожлантириш, сармоя, савдо ва бизнес соҳасидаги етакчилар эътиборини жалб қилиш, шунингдек, мамлакатнинг Марказий

### Сайид ХУМАИД АЗ-ЗАРИ, "DP-WORLD" компаниясининг етакчи менежери:

— Компаниямиз логистика соҳасида дунёда етакчилардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамыз. Бугунги форум Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар ва ҳамкорларга таклиф қиладиган жуда кўп инвестиция таклифлари борлигини кўрсатди. Ушбу анжуманнинг юқори даражаси шундан далолат бермоқда.



Биз иқтисодиётни рақамлаштириш, унинг "яшил" иқтисодиётга ўтиш жараёнларини мамнуният билан қарши оламиз. Навоидаги интермодал логистика марказининг имкониятлари бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу соҳада ўзаро

манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Форумга ва унинг барча иштирокчиларига муваффақиятлар тилайман. Ишонаманки, Ўзбекистонга сафаримиз жуда самарали бўлади.

### Александр АВЕРБУХ, Исроилнинг "АШРА" экспорт-кредит агентлигининг маркетинг бўйича директори:

— Агентлигимиз давлатга қарашли компания ҳисобланади. Биз ўрта ва узоқ муддатли экспорт кредитларини сугурталаш орқали Исроил экспортини қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият юртамиз.



Аввало, ушбу форумнинг юқори ташкилий даражасини қайд этишни истар эдим. Бугун жуда кўп иштирокчиларни кўришга мусарар бўлди. Ўзбекистон Президентининг нутқи жуда қизиқарли ва сермазмун бўлди.

Бу менинг Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим эмас. Ўтган йиллар давомида мамлакат қандай ўзгарганига ўзим шахсан гувоҳман.

Юртингизга келган хорижлик иштирокчилар билан суҳбатлашган, Ўзбекистон бугун Осиё маконида катта қизиқишнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда, республика энг қизиқарли давлатлардан биридир, деган хулосага келдим.

Мутахассислар таъкидлаганидек, энг катта қизиқиш қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳам-

корликка оид бўлмоқда. Мамлакатингизда қишлоқ хўжалиги соҳаси муваффақиятли ривожланмоқда. Республикада иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожлантиришга кўплаб одамлар жалб қилинган.

Исроилда аҳолининг атиги 3 фоизи бу соҳада меҳнат қилади. Шунинг учун мен исроиллик мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигини оптималлаштиришда иштирок этиши орқали ўзаро ҳамкорликни самарали ривожлантириш мумкинлигига ишонаман.

### Кристоф ФОНТЕН, Франциянинг "ROXALEX" компанияси президенти:

— Аввало, Тошкентда ўтаётган ушбу форумга дунёнинг турли мамлакатларидан жуда кўп меҳмонлар келгани юзасидан ўз ҳайратини билдиришни истар эдим. Адамшасам, Бу Марказий Осиё минтақасида инкироздан кейинги даврда бўлиб ўтган дастлабки йирик инвестиция форумидир. Шуни айтишим керакки, ушбу форум гоят мураккаб халқаро вазиятда бўлиб ўтмоқда. Тошкент форумининг Наврўз байрами, табиатнинг йўғоши даври ва ажойиб шодёна кунларига ўтаётгани ҳам рамзий маънога эга. Шунингдек, бу тадбирни Шарқ ва Ғарб, Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг изчил раванги рамизи, ҳам дейиш мумкин.



Тошкент инвестиция форуми, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасининг юрагида жойлашган ва жадал ривожланаётган тинчликсевар мамлакат — Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очди.

Кузатишларимга қараганда, қўллаб-хорижий инвесторлар, шу жумладан, Европа мамлакатлари инвесторлари Ўзбекистонга сармоя киритиш ниятида. Бу, албатта, мам-

“Дунё” АА



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## TASHKENT INTERNATIONAL INVESTMENT FORUM

### МУНОСАБАТ

# СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

## ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

**Одилжон ТОЖИЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Спикери ўринбосари**



Кейинги йилларда мамлакатимизда йирик халқаро анжуманлар, форумлар, мулоқот ва учрашувлар тез-тез ўтказилаётгани, минтақа ва дунё ҳаётига доир муҳим воқеалар айнан Тошкентда муҳокама бўлаётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, куни кеча пойтахтимиз яна бир тарихий воқеаликка мезбонлик қилди. Гап биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида, албатта.

Бундай кенг меъёсли анжумани юқори даражада ташкил этиш масаланинг бир томони бўлса, бошқа томондан, нуфузли компания ва бизнес доираларни қамраб олиш, ҳавойи режалар билан меҳмонларнинг вақтини олмай, аниқ прагматик ёндашувлар асосида ишни ташкил қилиш, пировардида, форумни халқимиз учун фойдали келишувлар, битимлар билан безаш — энг муҳими. Муस्ताқил Ўзбекистон тарихидаги илк йирик ва ростмана бизнес доира вакиллари иштирок этган бу форум, унинг натижалари ҳақида ҳали кўп гапирилади, таҳлиллар бўлади. Бинобарин, юртимизда ҳақиқий бизнес муҳити энди пайдо бўлди. Ана энди бизда бундай форумлар, мулоқотлар даври бошланди. Президентимизнинг шижоаси, сиёсий иродаси билан ўзимизни жаҳон иқтисодиётининг бир қисми сифатида ҳис қила бошладик.

Шу маънода, Ўзбекистондаги жозибadorликни таъминлашга хизмат қилган энг асосий омил, шак-шубҳасиз, бу — давлатимиз раҳбарининг сўз эркинлигини таъминлаш йўлидаги қатъиятли ислохотлари. Давлатимиз раҳбари форумнинг очилиш маросимидаги нутқида ҳам бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида тўхтади.

**Президент нутқидан:** “Ислохотларимизнинг муҳим йўналиши сифатида мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиа макон яратиш бўйича зарур чоралар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидеги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бу борадаги энг муҳим ютуқимиз шуки — биз жамиятимизда “ёпиқлик муҳити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз”.

Дарҳақиқат, дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идорак этиш, мамлакатимиздаги кенг қўламли ўзгаришлар, янгиликлар тўб моҳиятини тўлалигича англаб этиш ҳақоний, ишончли ва тезкор маълумотга эга бўлишни талаб этмоқда.

Сўнги йилларда халқчил давлат барпо этиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги янгиликларга эътибор қаратадиган бўлсак, жамиятда фикрлар хилма-хиллигига эришиш, ахборотга эга бўлиш ва фойдаланиш учун тўлиқ шароит яратиш борасида тўб ўзгаришлар амалга оширилганини кўраемиз. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш жараёнини ҳали ҳам ҳақоний ёритишга бел боғлаган оммавий ахборот воситаларига эркинлик берилиши натижасида матбуот янги гоғлар, тақлиф ва ташаббуслар тарғиботчиси, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг таъсирчан минбарига айланди.

Айнан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, кенг қўламли демократик чоралар тўғрисида, тўғрисида Ўзбекистон 2020 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлди. АҚШ Давлат департаменти эса республикамизни диний эркинликлар соҳасида “алоҳида кузатувдаги” мамлакатлар рўйхатидан чиқарди. Ўзбекистон Осиё маълумотлар рейтингига 125 та позицияга кўтарилган ҳолда, 44-ўринни эгаллади. Шунингдек, Республикаимиз жаҳон матбуот эркинлиги рейтингига ҳам юқорилади.

Америкалик таниқли сиёсат арбоби Томас Жефферсон “Бизнинг эркинлигимиз матбуот эркинлигига боғлиқ, агарда матбуот эркинлиги чекланса, бу ўйқотиш демакдир”, деб қайд этган эди.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида қанчалик маълумот ва ахборотлар ўз вақтида тарқатилса, жамоатчиликда шунчалик ахборот олиш имконияти кенгайди, одамларимиз ўзларини қийнаб турган масалалар бўйича саволларга жавоб топа олади.

Яқин ўтмишда халқимиз давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ОАВда чиқиши ёки матбуот хизмати вакиллари кенг жамоатчилик ўртасида танқидий, кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдиришини тасаввур ҳам қила олмасди.

Марказий ва маҳаллий давлат идоралари, ташкилотлари фаолиятига нисбатан матбуот, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган танқидий материаллар ва уларга билдирилган тезкор муносабатлар ҳам сезиларли даражада ортди. Президентимиз бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик, ошқоралик ва демократик сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида танқидий ишларнинг натижасида мамлакатимиздаги барча даражадаги бошқарув идоралари раҳбарлари журналистлар билан мунтазам учрашиб, жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни эркин мулоқот асосида кенг муҳокама этиши яхши аниқнага айланиб улгурди. Жумладан, давлат бошқаруви органлари масъуллари ҳам ислохотларнинг бориши, миллий дастур ва стратегиялар бажарилиши юзасидан матбуот анжумани, брифинглар, очиқ мулоқотлар ташкил этмоқда.

2020 йилда давлат ташкилоти ва идораларида 103 та матбуот анжумани, 190 га яқин пресс-тур, 663 та брифинг, жами 956 та пресс-тадбир ўтказилган бўлса, 2021 йилда бундай тадбирлар сони 1359 тани ташкил этди.

Медиа соҳаси, ахборот хизматлари тизими тубдан янгиликларига мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани кучайтириш мақсадида кейинги беш йилда 15 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимизнинг 2022 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Ҳисоб палатаси, Марказий банк, судлар, прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари аҳолини қизиқтираётган, ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради.

Шу билан бира, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органлари, ташкилотлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида вазифалар юклатилди. Агентлик тузилмасида Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди.

Бундан буён давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 марта қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларида жойлаштириб, 10 марта қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб методика асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Бундан ташқари, яқин истиқболда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик киритилиши назарда тутилмоқда.

Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, аниқроғи, очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилмаслик ёки тўлиқ эълон қилмаслик, эълон қилиш муддати ва тартибини бузиш, маълумотларни нотўғри кўрсатганлик учун жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Мақсад — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг очиқлик борасида белгиланган талаб ва мажбуриятларни бажаришдаги масъулиятини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини кўрсатиришга эришиш.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш билан бир қаторда парламентнинг ҳам қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, сайлов округларидаги учрашувлар юзасидан тўғри ва ишончли маълумотларни халққа тақдим этиш долзарб аҳамиятга касб этди.

Кейинги беш йил ичида парламентнинг, хусусан, Қонунчилик палатасининг фаолияти халқимиз, жамоатчилик учун ҳар томонлама очиқ, шаффоф кечмоқда. Депутатлар корпуси иш фаолияти, Қонунчилик палатасининг турли форматдаги мажлислари оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри, кенг ёритиб келинади. Булар ҳам парламентнинг том маънода “халқ уйи”га айлинишида муҳим омил бўлмоқда.

Ахборот майдонида депутатлар иштирокини янада кенгайтириш, парламент аъзолари жамиятга ахборот сиёсатини олиб боришдаги фаолиятининг самарали тизимини яратиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг Рақамли ривожланиш ва ахборот сиёсати масалалари бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди. Янги ўринбосар давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ишларини мувофиқлаштириш, парламент ва ҳокимият вакиллик органларининг давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда таъбиқ этиш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга масъул бўлди.

Шу билан бира, Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган ва қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш, депутатларнинг жамоатчилик билан ўзаро алоқаларини, замонавий медиа технологияларини қўллаган ҳолда, янги босқичга олиб чиқиш ва ижтимоий тармоқларда фаоллигини таъминлаш мақсадида Парламент ахборот маркази иш бошлади.

Шу билан бира, Сенатда ҳам Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқлигини таъминлаш масалалари кўмитаси ташкил этилди. Қўмита давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириб борапти. Бу борада доимий назоратни юритмоқда. Шунингдек, ушбу йўналишга оид комплекс масалалар юзасидан қонунчилик, назорат-таҳлил ва вакиллик фаолиятини амалга оширмоқда.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш сиёсатида қатъий содиқлигини далалатдир. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.

### ХАЛҚАРО ФОРУМ

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Пойтахтимизда биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтмоқда.

“Янги Ўзбекистон” газетаси муҳбири илк бор ўтказилаётган ушбу форум иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

### Янги лойиҳалар оилалар даромади ортишига хизмат қилади

**Мартин ШОРШ**  
(Германия):



— Ўзбекистонда ишбилармон, тадбиркорлар учун қўлай инвестиция муҳити яратилган. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш йўлида жуда кўп амалий ишлар қилинди. Биз кўп йиллардан буён Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигида фаолият олиб борамиз. Ҳозирда жуда кўп янги лойиҳаларимиз бор.

Тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида немис инвесторлари дастур ишлаб чиққан. Бу яқин ярим йил ичида амалга оширилади.

Сир эмас, тўқимачилик фабрикалари қурилиши узоқ вақт талаб қилмайди. Бу, албатта, икки давлат учун ҳам манфаатли ҳамкорлик ҳисобланиб, иқтисодий тараққиётни, оилалар даромади ортишига хизмат қилади.

### Ҳам сармоя, ҳам тажриба

**Отабек НАЗИРОВ,**  
**инвестициялар ва ташқи савдо вазири**  
**маслаҳатчиси, Тўғридан-тўғри инвестициялар**  
**жамғармаси бўш директори:**



— Шу кунларда мамлакатимизда жуда муҳим тадбир — Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтмоқда. Бу нафақат қўламли, балки натижадорлик жиҳатидан ҳам йирик тадбир ҳисобланади.

Халқаро форумда, аввало, сўнги 5 йилда амалга оширилган ислохотларимизга баҳо берилди. Хорижликлар юртимизда ўтган қисқа вақт ичида ишбилармонлик учун қўлай муҳит яратилиб, инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлиб келган барча ҳолатлар бартараф этилганини таъкидлади. Бунинг натижасида турли соҳаларга сармоя киритилган инвесторлар саффи кенгаймоқда.

Форум доирасида Ўзбекистонда самарали бизнес юритиш учун мавжуд шароитлар ва янги истиқболлар тўғрисида кенг маълумот берадиган 30 дан зиёд тадбирлар, шунингдек, 200 дан ортиқ жозибador лойиҳа тақлифлари ҳавола этилади. Бундан барча соҳалар қамраб олинган. Биргина транспорт йўналишини олдиган бўлсак, бу тизим юртимизни бошқа давлатлар билан боғлайди, импорт,

экспортни амалга оширишда асосий восита ҳисобланади. Шу босис, мазкур йўналишда инвестициялар қўламини оширишимиз зарур.

Умуман, ҳар бир соҳани ривожлантиришда инвестиция муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон учун шундай инвестор, шундай лойиҳалар керакки, аввало, янги иш ўринлари яратилсин. Давлатимиз раҳбарининг асосий талаби ҳам шу. Иш ўрни билан бира, ёшларни ўқитиш, уларга билим бериш ҳам керак. Бунинг учун инвестор қўшимча равишда олий ўқув юрталари, академияларга сармоя киритади. Бу жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Яна бир жиҳати, инвестиция бу нафақат пул, балки тажриба дегани. Яъни, хорижликлар бу ерга ўзи билан иш, бошқарув тажрибасини, янги технологияларни ҳам олиб келади. Масалан, Саудия Арабистонининг “Ал-Ҳабиб групп” деган энг йирик госпиталлар тармоғи бор. Компания ҳозирда 28 та шифохонани бошқаради. Улар ҳам халқаро форумда иштирок этипти. Шу компания билан ҳамкорлик

меморандуми имзоланди. Бирга қилганда Ўзбекистонда йирик, энг замонавий госпитал қуриб, уларнинг иш тажрибасини юртимизга олиб келишни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, шу соҳада ёшларга билим берадиган академия ташкил этишга ҳам ҳамкорликда инвестиция киритмоқчимиз.

Ҳозирги кунда жамғаримамизда 25 дан ортиқ истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бирига ҳамкор, инвестор керак. Форум доирасидаги тадбирларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган соҳа вакиллари билан маслаҳатлашиб, эски муаммоларни янгича ечиш бўйича тақлифлар киритаяпти. Албатта, янги лойиҳаларга ҳам асос солиняпти. Биз ҳам инвесторларга ўз лойиҳаларимизни тақлиф қилиб, ҳамкорлар топишни мақсад қилганмиз.

### Қўшимча бозорлар очилади

**Салай МАТКАРИМОВ,**  
**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ етакчи мутахассиси:**



— Ўзбекистон қадимдан Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган, Осиё, Европа қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлган. Охириги йилларда ана шу имкониятимизни қайта ривожлантиришга эътибор ортди. Ўзбекистон транспорт соҳасининг жадаллаштириш мамлакатимизнинг Марказий ва Жанубий Осиёни шимол билан, гaрбни шарқ билан боғловчи жуда катта хабга айлишига хизмат қилади.

24 март кунини Тошкентда иш бошлаган халқаро инвестиция форумида транспорт, логистика, рақамлаштириш соҳалари бўйича катта тақлифлар билдирилмоқда.

Ўзбекистонда охириги йилларда иқтисодиёт ислох қилиниб, инвестиция муҳити тобора яхшиланмоқда. Натижада жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробар ошди, охириги 5 йилда

уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Буларнинг орасида логистика, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани янгилаш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, умуман, барча тармоқ мавжуд.

Шу жиҳатдан, халқаро форум, аввало, инвестор ва давлат — жамият ўртасида кўприк вазифасини бажармоқда. Бу янги лойиҳалар, истиқболли ҳамкорлик алоқалари дегани.

Транспорт, хусусан, темир йўл соҳасида ҳам бир неча йиллардан буён Осиё Тараққиёт банки билан

ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга ошириб келиняпти. Фарғона водийси темир йўлини электрлаштириш, бир қанча инфратузилмаларнинг янгилангани, Ўзбекистон темир йўлларининг умумий узунлиги 7 миң 400 километрдан ошгани бунинг яққол мисоли. Ва бу ҳамкорлик давом этмоқда.

Қолаверса, тармоқда бир қанча истиқболли лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, трансферон темир йўлининг қурилишини олайлик. Бу лойиҳанинг амалга ошиши Ўзбекистон учун қўшимча бозорлар пайдо бўлиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг 60-70 фоизга қайтарилишига имкон яратди. Лойиҳага қўшни давлатлар ҳам қизиқиб билдирилмоқда.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли ланисини қуриш ҳам йирик лойиҳалардан бири бўлиб, ҳозирда лойиҳалаш босқичидан ўтган. Уни амалга ошириш Ўзбекистонни икки қарра анклави, яъни денгизи йўқ ёпиқ давлатдан очиқ давлатга айлантиради. Халқаро инвестиция форумида инвесторларни шу каби лойиҳаларга жалб қилиш кўзда тутилган.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан учрашуви тарихий, сиёсий, керак бўлса, инқилобий аҳамиятга эга катта йиғилиш бўлди, десак асло муволажа эмас. Чунки йиллар давомида тиббиётга эътибор бугунгидек бўлмагани, соҳага ажратилган маблағ тўғри ва мақсадли йўналтирилгани боис, тизимда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо ва камчиликлар етарли даражада йиғилиб қолган эди.

Бугун чекка ва олис ҳудудлар аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти аста-секин юксариб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар халқимиз саломатлигини асраш, соғлом яшаш ҳуқуқини таъминлаш орқали юрдошларимиз розилигига эришишдек мақсадни ўзида мужассам этган.

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

соҳада янги уйғониш даврини бошлаб беради



**Амрилло ИНОЯТОВ, соғлиқни сақлаш вазирынинг биринчи ўринбосари**

Аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини яхшилашдан туриб, бу мақсадни рўйга чиқариш мушкуллигини инкор эта олмаймиз. Уз-узидан табиий савол туғилади: аҳолининг ишиси ёки жуда кам маош учун ишлайдиган қатлами бирор касалликка чалинганда қандай даволанади? **Дейлик, юқори технологияга асосланган жаррохлик амалиётига ўтказиш зарурати туғилса ёки юрак нуқсони, муржаб трансплантация амалиётига эҳтиёж пайдо бўлса, кам таъминланган аҳоли қатлами бунга сарфланган маблағни қаердан топади? Қандай қилиб даволанади?** Мана шу каби жуда долзарб масалалар борки, буларга ечим топиш мақсадида соҳа мутахассислари, малакали мутахассислар муаммоларни жойларда, ҳудудларда жуда чуқур ўранди. Уларнинг ечими юзасидан тегишли тасвия ва тақлифлар тўлланиб, тақдим этилди.

Пандемия хатто энг ривожланган, қудратли давлатларнинг ҳам тиббиётидаги заиф жиҳатларни кўрсатди. Ҳамма қаерда, қандай камчилик ва муаммо борлигини англади. Бугун дунёда тиббиёт соҳасини ислох этиш зарурати юзасидан келди. Жумладан, мамлакатимиз тиббиётида ҳам оқсаётган жиҳатлар яққол кўзга ташланди ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан чуқур ёндашилган ишлар бошланди. Бундан 4 ой олдин Президентимиз билан очик мулоқотга тайёрларлик қўриш вазифаси зиммамизга юклатилди. Учрашувга тайёрларлик жараёнида 25 миң нафардан ортик тиббиёт ходими ва бошқа юрдошларимиздан мувожаат ҳамда тақлифлар келиб тушди. Очик мулоқотдан олдин бизга энг олис ва чекка туманлардаги аҳоли ва тиббиёт ходимларининг фикрини ўрганиш вазифаси берилган эди. Ишчи гуруҳ шакллантириб, жойларга чиққанимизда ҳақиқатан ҳам ҳаёлимизга келмаган янги-янги тақлиф, гоғларни эшитдик. Мувожаат ва тақлифлар тўлиқ таҳлил қилиниб, Президентимиз учрашувда муаммолар ечимини етти та йўналишда кўрсатиб берди.

Шулардан биринчиси — кафолатланган, сифатли тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш ва хизмат кўламини кенгайтириш масаласи энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда фаолият юритаётган ходимларнинг иш сифати, дунёқарашини ўзгартириш, бунинг учун уларга зарур барча шароитни яратиш кун тартибига чиқди. Жумладан, 2022 йилда юртимизнинг энг олис, чекка ҳудудларида қўшимча 136 та, 2023 йилда 140 та янги поликлиника фаолиятини йўлга қўйиш, жойлардаги поликлиникалар неғизда 1100 та оилавий шифокорлик пунктини ташкил этиш буйича топшириқ берилди. Шунингдек, 2 миңдан зиёд олис ва чекка маҳаллада тиббиёт пунктлари ташкил этилади. Шу тарих ҳудудлардаги 4 миллион аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Жойларда аҳолини соҳага оид қийнаб келаётган муаммолар ўрганилганда юрдошларимизнинг 120 турдаги дори-дармонга эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. **Натижада дори воситаларига сарфланган маблағ тўрт баробар оширилди. Илгари поликлиникалар 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминланган бўлса, энди уларга 120 турдаги дори-дармон берилди.**

Бирламчи бўғиндаги оилавий шифокор ва ҳамшира меҳнатининг баҳоси йўқ. Уларни рағбатлантириш — муҳим масала. Шу боис, қишлоқ шифокорлик дастурини янада такомиллаштириш, **2022 йил 1 майдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақиға икки миллион сўмдан қўшимча устама тўлаш вазифаси юклатилди. Ипотека кредити асосида уй-жай сотиб олиш харажатининг 50 фоизгача қисми маҳаллий бюджетдан қопла-**

ниши соҳа вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир. **Бундан буён олис ва чекка ҳудудда узқисқис 3 йил ишлаган шифокор клиник ординатурага давлат бюджети асосида қабул қилинади.**

Туманларда кардиология, неврология, эндокринология каби касалликларга чалинган беморлар **2024-2025 йилга қадар навбатда турганиди.** Шундай ривожланган даврда касал инсоннинг даволаниш учун навбатда туриши жуда ачинарли. Очик мулоқотда марказий шифохоналар қошида иختисослаштирилган эндокринология, кардиология ва неврология бўлимлари ташкил этилиб, навбатда турган аҳолининг ўз ҳудудида даволаниши учун имконият яратиш ва иختисослашган тиббий хизматни туманга тушириш сийасати белгилаб берилди. Бунинг аҳамиятини халқимиз албатта билади ва қадрлайди.

Бугун ривожланган барча давлатларда мажбурий тиббий сўғурта тизими амал қилади. Бу орқали бюджет харажати кўпайтириш, тиббий хизмат сифатини оширишга эришилган. Юртимизда ҳам бу буйича дастлабки саъй-ҳаракатлар бошланган. Жумладан, Сирдарё вилоятида синаовдан ўтказилаётган тиббий сўғурта пилот лойиҳаси дастлабки самарасини кўрсата бошлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилида экспертлари билан бориб ўрганганимизда узундан-узқоқ навбатларга батамом чек қўйилганига гувоҳ бўлдик. Бирламчи бўғинда оилавий шифокор ва универсал ҳамшира ўз ҳудудида бириктирилган аҳолини қамраб олган, дастлабки текширувлар тўғрисида аҳолининг муайян қисми амбулатор, яна бир қисми эса стационар даволанишга йўналтирилган. Натижада вилоятнинг деярли барча туманида навбат кескин қамайган.

**Энди оилавий поликлиникаларнинг ўзига эрталабдан кеч соат 20:00 гача кундузги стационар жорий этилмоқда. Соат 14:00 дан 20:00 гача ишлайдиган шифокорларга устама берилган бўлди. Натижада стационарларга тушадиган босим кескин қамайдди.** Чунки асосий стационарда ётқизиш ҳолати ҳозир жуда кўп учирапти. Сирдарёдаги пилот лойиҳадан ютуқларидан яна бири шундаки, бемор

Шунингдек, 17 миңдан зиёд тиббиёт бригадасига қўшимча яна 8,5 миңга болалар ҳамшираси ва доя, акушер берилиши оналар ва болалар саломатлиги учун жуда муҳим. Шунингдек, болалар учун профилактик кўриқлар дастури қайта кўриб чиқилиб, 18 ёшга бўлганларни педиатр, стоматолог, эндокринолог, ортопед каби зарур мутахассисларнинг манзилли кўригидан ўтказиш тизими жорий қилинмоқда.

**Юртимизда спинал мушак атрофияси ташхиси билан 75 нафар бола азият чекапти. Бу касаллик туғма бўлади. Шу пайтгача улар давлат бюджетидан дори-дармон билан таъминланмаган эди. Энди уларни дори билан таъминлаш мақсадида ҳар йили 110 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади дегилди.**

Шунингдек, мамлакатимиз буйича 46 та туманлараро перинатал марказ ташкил этилиб, уларда чақалоқлар реанимацияси бўлими фаолиятини йўлга қўйилмоқда. **2022 йил 1 апрелдан бошлаб тиббиёт ташкилотлари томонидан чет элдан олиб кирадиган буюмлар, ускуна ва материаллар 2025 йил 1 январгача қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилиниши давлат сектори учун ҳам, хусусий сектор учун ҳам жуда катта ёрдам, катта мадад деб биламан.** Хориқлик шифокорларга Ўзбекистонда ишлаш учун рухсатнома бериш буйича тўлов миқдори кескин қамай-тирилмоқда. Энди чет эллик ҳамкорларимиз ҳам юртимизда фаолият юритишдан манфаатдор бўлади. Бу ҳам тиббиётимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Халқ таъбабатининг синалган усуллариини замонавий тиббиётга интеграция қилиш орқали даволаш тизимининг натижадорлигини ошириш кун тартибидagi масалалардан. Шу мақсадда 2022 йилдан бошлаб самараси исботланган доривор ўсимликлар тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига босқичма-босқич киритилиши кўзда тутилмоқда. Бу буйича барча тиббиёт олий ўқув юртлири ва техникумларида, ҳудудий халқ таъбабати марказларида соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий қилиш буйича вазифалар юклатилган. Шунингдек, барча ҳудудда Ибн Сино марказлари таш-

хусусида тўхталиш жоиз. Республика, вилоят, шаҳар ва туман даражасида ягона бошқарув тизими ташкил этилиши буйича топшириқлар олганмиз. **Ҳадемай, Тошкент шаҳрида йўлга қўйилган тажриба асосида ҳар бир вилоятда тез тиббий ёрдам йўналишида электрон автоматлашган бошқарув тизими жорий қилинади.** Янги ташкил этиладиган марказлашган диспетчерлик марказлари беморни аҳоли, касаллик тури ва даражасига қараб саралайди. Шунга асосан энг яқин ҳудудда жойлашган тегишли тиббий бригада тезкорлик билан йўналтирилади. Бу бемор олдиға ўз вақтида, қисқа муддатда етиб бориш, сифатли ва кафолатланган тезкор тиббий хизмат кўрсатиш ва ўлим хавфини бартараф этишга хизмат қилади. Шу тарзда вилоят ва туман чегарасига қараб эмас, балки беморгача масофани яқинлигига қараб хизмат кўрсатадиган тез тиббий ёрдам тизими шакллантирилади.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш — соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор



вазифалардан бири. Илгари замонавий болалар шифохонаси ёки оналар учун тиббий жиҳозлар йўқлиги, кадрлар етишмаслиги тўғрисида гувоҳлик қўриқчи юқори эди. Айниқса, 500 граммдан 1 килограммгача бўлган чала туғилган чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолишни имкони бўлмади. Бугун шундай болалардан 80 фоизнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилмоқда.

Перинатал марказлар, акушерлик, гинекология муассасаларига замонавий жиҳозлар олиб кирилаётгани ва бугун халқро талабга жавоб берадиган кадрларнинг шаклланиш босқичида биз шундай натижаларга эришмоқдамиз. Яратилаётган шарт-шароит дунёга келаётган болаларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом вояга етиши учун пойдевор ҳисобланади. Тугилгандан кейин ҳам қўшимча микронутриент, витаминга бой, комплекс оғдат ва вояга етувнга қадар турли витамин, антигелиминт препаратлар билан таъминлаш болаларнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан рационал, соғлом ўсишига замин яратади.

Келгусида қиладиган ишларимиз жуда кўп. Болалар хирургиясини ҳали тўлиқ ривожлантириганимиз йўқ. Ривожланаётган ҳомиладарга касалликни аниқлаб, уни она қорнида операция қилиб, соғломлаштириш амалиёти дунёда анча ривожланган. Биз бу йўналишга ҳали кириб бормадик ҳам. Шу каби замонавий йўналишлар борки, улар буйича ҳали кўп ишлашимиз керак.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш буйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур ишлаб чиқишлиши кўзда тутилмоқда. Очик мулоқотда ана шу дастур доирасида 182 та оилавий шифокорлик пунктини ичимлик сув, 450 дан ортик муассасани иситиш, 650 тасини электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш буйича топшириқ берилди. Тиббиёт муассасасини қайта қўриш, жиҳозлаш, туғуруқ комплексларини тўлиқ таъмирлаш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш, шунингдек, болалар шифохоналарининг ҳолати ва улардаги шарт-

шароитларни тўдан яхшилаш буйича алоҳида вазифалар белгиланди. Бунинг учун 6 триллион сўм маблағ ажратилиши айтиб ўтилди.

Туман ва вилоят тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун молиялаштириш манбалари рўйхати кенгайтирилади. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида кафолатланган тиббий хизмат турларига кирмайдиган бошқа янги хизмат турларини пулли асосда ташкил қилишга рухсат берилди. Бу туман шифохоналарини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш учун катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда пулли хизматлардан келиб тушадиган маблағнинг 75 фоизгача қисми малакали тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоят кардиология, офтальмология, урология, травматология, тери-таносил шифохоналарини койка ўрнига қараб эмас, балки ҳар бир беморнинг даволанганлик

таълим тизимини жорий этишга хизмат қилади. Бу буйича дастлабки ишлар бошланди.

Бугун тиббиёт таълимини кучайтириш буйича олдимизда муҳим вазифа турибди. Масалан, Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртига кирган талаба биринчи семестрда юртимизда ўқиса, иккинчи семестрда Европанинг бирор олий ўқув юртида ўқини давом эттириши, учинчи семестрда Шарқ мамлакатларига бориб ўқиш имкониятига эга бўлиши зарур. Бунинг учун таълим тизимимиз улارники билан интеграциялашган бўлиши лозим.

Ўқув режиси ва дастурларини яратиш асосида таълим тизимини тўлиқ трансформация қилиши даврининг ўзи талаб этмоқда. Бунга қўра, тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталари ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, мақсадли ошириб борилиши, фтизиатрия, гематология, нефрология, пульмонология, психиатрия, шошилинч тиббий ёрдам, лаборатория иши, юқумли касалликлар каби 15 та тор соҳадаги мутахассислик буйича магистратурага давлат грантлари тўрт баробар кўпайтирилиши айтилди. Чунки мамлакатимизда ҳали амалиёт тўла жорий қилинмаган 20 га яқин бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура йўналиши бор. Улар ҳатто юртимиз таълим классификаторига ҳам киритилмаган. Бу янги йўналишларни жорий қилмай, тиббиётимизни халқро даражага олиб чиқиш қийин кечади.


Мамлакатимиз учун яна бир жуда катта янгиллик — **магистратура босқичидаги ва 5-6-курс талабаларининг йўлнамаси асосида бирламчи ва тез ёрдам тизимида шифокор бўлиб ишлашига рухсат берилди.** Бу амалиёт билан назария интеграцияси орасида катта ўзлиниши боғлашга хизмат қилади. Қолаверса, талаба тез тиббий ёрдам, шошилинч тиббий ёрдам, бирламчи бўғинда етарли малака орттирса, келгусида тор иختисослигини ҳам муваффақиятли ўзлаштира олади. Шу йўл билан жойларда вакант жойларни, эҳтиёж юқори бўлган шифокорлар ўрнини тўлдирамиз.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш орқали касалликлар профилактикасини кучайтириш талабга айланб улғурди. Учрашувда бу борада ҳам ўринли тақлифлар билдирилди. Айтилди, энди битта оилавий шифокорга бириктирилган 2000 та хонадонга бориб, кундалик, ҳафталик таомна билан танишилади. Оила аъзоларининг овқатланиш тартиби ва рацион аниқлиги, таомнама ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Шу тариха ҳамкорлиқда тўғри овқатланиш маданияти шакллантирилади. Бу жуда муҳим. 80-90 фоиз касалликнинг олдини опадиган оғдат — бу тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи. Шу тартиби аҳолига тўғри еткази, тушунтира оласк, жорий қилиб, йўлга қўйсак, каммида 50 фоиз касаллик кескин қамайдди.

Касалликларнинг олдини олиш билан деярли шуғулланмаямиз. Ҳозиргача унинг асоратини бартараф этиш билан оворамиз. Шу билан бандмиз. Бундан буён касалликларнинг олдини олиш буйича тизимли ишлар қилинади. Соғлиқни сақлаш инфратузилимасини пухта ўрганган ҳолда, бир йўналишдаги шифохоналардан воз кечилиб, мавжуд шифохоналар неғизда кўп тармоқли клиникалар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Сирдарёда пилот лойиҳа сифатида Гулистон тиббиёт кластери ташкил этилди. Бу ерда руҳий-асаб касалликлари шифохонаси ва фтизиатриядан ташқари барча клиника бир жойда жамланади. Лозим топилса, унинг ёнида тиббиёт олий ўқув юрти ҳам ташкил этилади. Энг асосийси, халқимизга ўз вақтида сифатли, самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизими яратилади. Бу тажриба кейинги йилдан бугун мамлакатимиз бўйлаб йўлга қўйилади.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқоти соғлиқни сақлаш тизимида катта бурилиш ясади. Тиббиётимизни янги босқичга олиб чиқишга замин яратади. Қолаверса, мамлакатимизда соҳанинги янги уйғониш даврини бошлаб беради.



оилавий шифокор йўлнамаси билан шифохонада ётиб даволаниши мумкин. Йўлнамасиз борса, пул тўлайди. Илгари бир касалнинг муолажаси учун 10-15 тагача дори ёзилган бўлса, энди 3-4 та дори билан даволаш амалиёти йўлга қўйилади. Чунки шифокор ёзган дорилар асослангандан сўнг пул тўланади. Асослаб бера олмас, пул тўланмайди. Бу шифокорларимизнинг дунёқарашини ўзгартириб, беморларни янги, замонавий стандарт ва клиник протоколларга кўра муолажа қилишга ўргатаяпти. Тўғри, замонавий стандарт ва даволаш протоколлари аввал ҳам бор эди. Лекин унга шифокорлар амал қилмасди. Бугун амал қилишга мажбур. Чунки энди уларга койкага қараб эмас, балки даволанган беморнинг ҳолатига кўра пул тўланади. Буни тиббиётимизнинг ривожланишидаги дастлабки катта қадам, дейиш мумкин.

кил этилиб, улар мактаб, лицей, коллеж, техникум ва олий ўқув юртлирида халқ таъбабати ҳамда соғлом турмуш тарзини ўқитади.

Айни пайтда олдимизда иккита муҳим вазифа турибди. Биринчиси, касалликни барвақт аниқлаб, даволаш бўлса, иккинчиси, шу хасталиқни келтириб чиқарадиган омилларни ўрганиб, у билан курашиш. Касаллик қайси ҳудудда ҳам учраса, профилактикаси билан яхшироқ шуғулланаётган тиббий бригадани рағбатлантириш чораси белгиланмоқда. Шунингдек, ҳар бир поликлиникада халқ таъбабати хоналари, фитобарлар ташкил этилиши, дорихоналарда доривор воситалар бurchаги бўлиши ва лицензия талаб сифатида киритилиши назарда тутилган.

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, уни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида алоҳида дастур қабул қилиниши

## УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

## ЮРАК СОЗИН ЧАЛГАН ШОИР

“...тинтув тугагач, Мансуров Усмон Носирни олдига солиб ташқарига чиқади. Усмон ҳовлида турган отаси ва Қўқондан улардан хабар олгани келган амакиси Ибоджон билан қучоқлашиб хайрлашади, сингилларининг пешонасидан ўлади. Қўшни хонада ҳамон ҳушидан кетиб ётган синглиси Равзахонга кўз қирини ташлайди-да, Мансуров кетидан кўча эшик томон юради. Изидан онаси: “Усмонжон, болам, аяғ ўлсин!.. Бизни ўзинг кимларга ташлаб кетяпсан?!” деганча фарёд қилади... Онанинг кўз ўнгида Усмон сиймоси қўлидаги оппоқ кепкасини гижимлаган қўйи бир умр муҳрланиб қолди...”

## ЁХУД ЗОҒЛАР ОРАСИДА ҚОЛГАН БУЛБУЛ НОЛАСИ

1988 йилда матбуотда Нодира Рашидованинг “Мен ҳаётга қайтишим керак” номли мақоласи эълон қилинди. Оташ қалб эгаси бўлган Усмон Носир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотларнинг биринчи марта матбуотда ошқора чоп этилиши шеърятга ошно қалбларни ларзага солгани ёдимизда. Шундан буён орадан 34 йил ўтди. Ўтган вақт орасида Нодира бўлган суҳбатларнинг, Магадан ва Кемеревода олиб борган изланишлар олиб борди? Саволларимизга жавоб топиши ва айни пайтда қутлугъ етмиш олти ёшни қаршилаган тадқиқотчи ва ёзувчи Нодира Рашидовани зиёрат қилиш истагида пойтахтимизнинг Абдор Ҳидоятлов кўчасидаги хонадонга кириб бордик.

— Нодира опа, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Оташ шoir, таржмон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини эшитганингизда Холаббийи ая (Усмон Носирнинг онаси) билан бўлган суҳбатларингиз, Магадан ва Кемеревода олиб борган изланишларингиз ёдингизга тушган бўлса керак...

— Бу қарорни эшитганимда ич-ичимга жуда катта ёруғлик, нури тўлқин кириб келгандек бўлди. Мен сўзим аввалида Президентимиз ҳақида дил сўзларимни айтиб ўтмоқчиман. Шавкат Мирзиёев юрагини қафтига қўйиб, ўз қалбидagi ёлқин билан халқимизнинг борар йўллари эрибетаган бир қаҳрамондир. Аллоҳга шукр, ёмонликка, ёвузликка қарши курашадиган, халқимизнинг беабий қурбон бўлган фарзандлари номини ёруғликка чиқарадиган шундай мард инсон бор экан... Тўғриси, бу кунларни қутмаган эдим. Чунки қўлаб одамлар шу пайтга чачимдаги адолатпарварлик ёлқинини ўчиришга ҳаракат қилди. Шу боис, ҳеч қачон ҳеч ким билан яираб гапашмаганман. Мана, бугун давлатимиз раҳбари мен бир умр орқиб кутган адолат тантанасини эълон қилди. Демак, Аллоҳга қилган илтижоларим қабул бўлган экан.

Албатта, буюм — Холаббийи аянинг суҳбатлари умрим китобидagi энг қиматли, энг изтиробли саҳифалардир. Мен бобом ва буюмнинг катта ва эркатой набираси эдим. Улар мени қўлчи уйларига олиб кеттилар. Тасаввур қилинг: қўлада қор бўралаб ёғяпти. Себзордаги Қозимқўча маҳалласида жойлашган ўша қадрдон ҳовлимиз. Бозиллаган сандалда иссиқина ўтирибмиз. “Буржуйка” печканинг устидаги чойнақа сув қайнаётди. Ўша лаҳзаларни ҳар сафар эсласам, юрагим ҳаққириб кетади. Буюм ўзини ҳам, мени ҳам овуттиш истагида Навойи, Фузүлий, Бобур, Машраб газалларидан ўқийди. Бу газаллар араб имлосида ёзилгани учун мен ҳеч ўқиймай қиналаман ва буюмим, “Нега сиз бемалол ўқиясиз-у, мен ўқиймайман. Ахир уйимиздаги бошқа китобларни осон ўқийман-ку”, дейман. Буюм менга жилмайиб қарайди-да, бироздан сўнг яна мунайиб қолади. “Болам, сен ҳам тоганга ўхшаб кетяпсан. У ҳам худди сендек ҳамма нарсага қизикар, кўп ўқирди. Бугун мен тоганга кўп нарсани ўргатганимдан ниҳоятда пушаймонман”, дейди овозлари титраб... Сандалнинг нариги томонида эса Носирхожи бобом тасбеҳ ўғириб ўтираркан, буюмнинг гапларидан сўнг кўзлариди еш қўрингандек бўлади. “Буювжон, қайси тоғам ҳақида гапиряпсиз?” дейман қизиқиб. “Аянгинг Усмон деган акиси бор эди. Жуда билимли, чиройли ва жасур йигит эди”. Буюмнинг бу гапларидан сўнг янада қизиқишим кучаяди: “Қани ўша тоғам? Қарга кетди?”. Бу саволимдан сўнг буюм йиғи аралаш жавоб беради: “Усмон



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

тоганни йўқотиб қўйдик, болажоним. Ҳеч-чун топилмаймиз...”. Мен буюмни маҳкам ачом қиламан-да, унга таскин берман: “Йилламанг, буювжон. Катта бўлсам, мен ўзим топиб келаман Усмон тоғамни!”. Бу гапимдан сўнг бобом аста ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетади. “Буювжон, тоғам ким бўлган, нима иш қилган?” деб сўрайман яна. “Тоғанг шoir эди”, дейди буюм кўз ёшларини узун енгларига артиб. “Ие, шoirларни ҳам қамашадими?” дейман хайратланиб. “Ҳа, шoirларни ҳам қамашар экан. Лекин қаерга қамашгани билмаймиз, болам”, дея буюм яна йиғлай бошлади. Унинг китоб саҳифаларига томган кўз ёшларига қараб чидаб тура олмайман. “Мана кўрасиз, мен ўша жойни, албатта, топаман. Тоғамни ўзим излайман!” дейман дадиллик билан. Буюм бошларимни силлаб, мени бағрига босаркан, “Жон болам, кўчага чиққанимда мен Усмон Носир деган шoirнинг жиғиман, деб асло айта қўрма! Бўлмаса ҳаммамизни қамаб қўйишди”, дейди тайинлаб. Ўшанда бу гаплар менинг юрагимга жуда оғир ботган. Ҳа, мен энг яхши кўрган азиз инсоним — буювжонимнинг кўз ёшлари ичида катта бўлганман.

Шундан сўнг ким билан гапашмай, тоғамни сўрайдиган, Қўқонгами, Намангангами, қаерга бормай, шoir Усмон Носирни суриштирадиган бўлиб қолдим. Дадам мени ҳамма ўзи билан бирга олиб юрарди. Ҳатто бир сафар Қўқонга борганимизда Мўқимийнинг хўжрасида шoir дўстлари билан бўладиган суҳбатга мени ҳам етаклаб кетган. Ўша суҳбатда Чустий домла ҳам қатнашган. Усмон Носир деган шoir ҳақида соатлаб гапиршган. Мен уларнинг гапларини эшитиб, ўзимча хулосалар чиқарар, ҳар бир маълумотни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилардим.

— Сиз ўз мақолаларингизда бирида Усмон Носирнинг сўнги лаҳзалари ҳақида маълумотлар ҳужжатларда бошқача, қўшириқчи ичидаги дўстлари тилида бошқача баён этилгани ҳақида кўнгил айтиб ўтгансиз...

— Ўша пайтлари менда маълумотлар кўп эмас эди. Суриштирай десам, йўллар тўсиқ. Мактабнинг 10-синфида ўқиётганимда хунук хабарлар келган уйимизга. Эмишки, Усмон Носирни Магаданда совуқ уриб кетган. Шу боис, шифокорлар

унинг оёқ-қўлини кесиб ташлаган, тишлари ҳам тўкилиб кетганмиш. Гўё Иброҳим Назир деган шoir ва машҳур қаҳрамон Тожиҳон Шодиева тоғамни кўргани Магаданга борган эмиш. Бир бурда қора нон ва тарвуз бўлагини шoirга беришганида, “Ёстигим устига қўйинлар ҳидлаб ётаман. Ушлашга қўлим, ейишга тишим йўқ”, дея йиғлаган эмиш. Уларнинг айтишича, тоғам 1954 йилда Магаданда вафот этган экан. Энди тасаввур қилинг, шунча алам ва изтироблар устига бундай гапларни эшитиш қанчалар оғир! Кечаси ҳамма ўхлаган чоғда ҳеч кимга билдирмасдан, Магаданга хат ёздим ўшанда. Буни қарангки, бир ойда етмасдан менга жавоб хати келган. Таниқли рус генерали менга бундай жавоб хати ёзган: “Усмон Носир Магаданда 1941 йилгача бўлган. Бу ерда вафот этмаган”. Бу жавобдан анча енгил тортидим ўшанда. Демак, тоғам ҳақидаги ёмон гапларни атайлаб тарқатишган экан. Бир ҳафта ўтгач, Кемереводан ҳам мактуб келди. Унда ёзилшича, тоғам 1943 йилда Кемереводаги лагерга жўнатилган. Бу гапларни ҳеч кимга билдирмадим.

Орадан анча вақт ўтди. Бир кунни ёзувчи Улма Умарбеков мени ёнига чақириб, “Анчадан бери кузатиб юрибман, юрагингиздаги ўзи билан бирга олиб юрарди. Ҳатто бир сафар Қўқонга борганимизда Мўқимийнинг хўжрасида шoir дўстлари билан бўладиган суҳбатга мени ҳам етаклаб кетган. Ўша суҳбатда Чустий домла ҳам қатнашган. Усмон Носир деган шoir ҳақида соатлаб гапиршган. Мен уларнинг гапларини эшитиб, ўзимча хулосалар чиқарар, ҳар бир маълумотни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилардим.

дардингизни яхши биламан. Ўзингизга бир ҳамроҳ топинг, мен сизларни Кемеревога юбораман”, деди. Шунча хурсанд бўлиб кетдим. Бироқ ҳеч ким мен билан бирга боришни истамади. Ҳамма ўзидан қўрқар эди. Бир кун хонамда қоғоз титилаб ўтирсам, икки киши ҳамроҳлигида шoir Абдулла Орипов кириб келди. “Нодирахон, сиз менга худо берган сингилсиз-а? Шуни биласизми? Нега Кемеревога бормоқчи бўляпсиз, борманг! Сизни йўлда ўлдиртириб юборишди!” деди хавотир билан. Мен эса уларни тинчлантириб, “Абдулла ака, сиз асло сиқилманг. Мен битта нарсани биламан, бир бошга — бир ўлим бор. Усмон Носирдек тоғам тўғайли менинг шу бошим кетса, кетар. Ортимдан яна биронтаси чиқиб қолар!” дедим қулиб. Абдулла ака менинг гапларимни эшитиб, бироз туриб қолди-да, кейин индамай чиқиб кетди. Орадан бир неча кун ўтгач, ишхонамга ёзувчи Исфандиёр

кириб келди. “Сен Кемеревога бормоқчи экансан, чипта олаверамизми?” деди тўғридан-тўғри гап бошлаб. “Вой, ростдан мен билан бормоқчимисиз?” дедим ишонмай. “Ҳа, энди сендек синглимни ўша жойларга ёлғиз жўнатмайман-ку!” деди Исфандиёр ака қулиб. Шундай қилиб, 1986 йил октябрь ойида Кемеревога етиб бордик. Лекин бизни нимагадир қабристонга қўйишмади. У ерда қўлаб дўстлар ортирдим. Шу билан бирга, қайси врачлар тоғамга қарагани, зонада ўша пайтда кимлар хизмат қилгани тўғрисида маълумотлар тўпладим. Ҳатто Берёзовка кўчасида кимлар яшагани борасида ҳам рўйхат тузиб чиқдим.

Иккинчи марта 1987 йилда Кемеревога борганимда менга дугона, жасоратли шoirа Муқаррама Муродова ҳамроҳлик қилди. Ўша ерлик ижодкорлар бизни кутиб олди. Ўзувчилар уюшмасининг об-ласть бўлими раиси ўшанда бизни пўлат ишлаб чиқарадиган заводга олиб борган. Усмон Носирнинг қабрига китоб шақлидаги лавҳ ўрнатиб, ўша лавҳга, “Ўзбек шoirи Усмон Носир. 1912-1944 йил”, деб ёздирганмиш.

1988 йилда эса бир гуруҳ шoir ва ёзувчилар: Ҳожиакбар Шайхов, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф билан бирга бордик. Ўтган 2021 йили “Қисмат” номли 2 жилдли китобимни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши муҳокамасига топширдим. Барча сафарларим давомида тўплаган маълумотларни ҳужжатлар асосида ушбу китобларимда жамлашга ҳаракат қилдим.

— Шoir Ўткир Рашидга — сизнинг дадангизга ҳам кўп тазийқлар бўлган экан...

— Бир кун кечаси соат 23 ларда уйимизга ўша пайтдаги НКВД раиси Йўлдош Бобононовнинг турмуш ўртоғи Омниҳон ая кириб келди. “Шу бугун кечасиёқ Тошкентдан чиқиб кетар экансиз. Йўлдош ака бир ой ичида столи устида турган ордерини йўқ қилар экан”, деди ая тугилиб-тутилиб. Ўша кун кечаси дадам Носирхожи бобомга учраб, бизга қараб туришини тайинлаган ва Фаргона водийсига акасининг уйига йўл олган.

1985 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пленуми бўлган эди. Унда бир-иккита маърузадан сўнг дадамга сўз беришди. Юрагим дуклилаб уриб кетди. Дадам трибунага чиқиб, маърузани ўқий бошлади. Яхшилаб қўлоқ солсам, кечаги махсус юборилган маърузани эмас, ўзи



Дадам жуда оғир-босиқ одам эди. Мен умрим давомида унинг икки марта йиғлаганини кўрганман. Қўқонга кетаётганимизда йўлда бирданича радиодан Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек вафот этгани ҳақида хабар қилишди. Дадам укамга машинани тўхтаганинг, деди. Кейин машинадан тушиб, сал нарига борди-да, бор овози билан хўнграб йиғлаб юборди. Бу биринчи воқеа эди.

ёзган янги маърузани ўқияпти. Мафкура котибаси ўтиролмайд типирчилаб қолди ва саҳна ортига ўтиб кетди. Мен ҳам

қарасам, русчалаб атрофидаги ёрдамчиларига, “Нега қарамайсанлар, мен берган маърузани нега ўқимади”, деб бақияпти. Дадам маърузасини ўқиб бўлиб, мардона қадамлар билан жойига келиб ўтирди. Эҳ, ўшанда шундай дадам борлигиндан бирам гурурланиб кетдим! Залдагилар ҳам бошқача маърузани кутиб ўтиришган экан. Дадамнинг жасоратидан руҳланган иштирокчилар бор кучи билан қарсақ ва хўштак чала бошлади. Ташқарига чиққанимизда одамлар дадам иккаламинизни ўраб олишди. Шу пайт бир гуруҳ шoir ва ёзувчилар навбат билан дадамни маҳкам қучоқлай кетишди. “Биз сизнинг бундай жасур ва мард одамлингизни билмаган эканмиш. Яшанг. Ўткир ака!” дейишган.

Дадам жуда оғир-босиқ одам эди. Мен умрим давомида унинг икки марта йиғлаганини кўрганман. Қўқонга кетаётганимизда йўлда бирданича радиодан Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек вафот этгани ҳақида эълон қилишди. Дадам укамга машинани тўхтаганинг, деди. Кейин машинадан тушиб, сал нарига борди-да, бор овози билан хўнграб йиғлаб юборди. Бу биринчи воқеа эди.

Иккинчи воқеа эса бундай бўлган. Кемереводаги қабристондан тупроқ олиб келганимизда, аям билан ўша тупроқни оқ матога ўраб чиройли кутига солдик. Кейин Чигато қабристонига олиб бордик. Жаноза ўқилиб, ўша тупроқни қабр қовлаб қўмишганида дадам бор овози билан, “Усмон о-о-он!!! Усмон мен учун энди ўлди!” дея йиғлаган. Ўшанда 1988 йил 18 июль эди.

— “Мен ҳамон битта жумбоқ қийнайдим: хўш, Усмон Носирнинг ўлимга айнан кимлар айбдор? Айбдорларнинг номлари бордир, ахир?! Ахир ҳамма фожияларни “шахсга сиғиниш” деган маъвум атама остига қўйиб юбориб бўлмайди-ку!” дейсиз бир мақолангиз хотимасида. Ўша саволларингизга шу кунгача жавоб топа олдингизми?

— Мен бу саволга ҳужжатлар асосида жавоб ёзганман. Афсуски, Усмон Носирни кўрломайдиганлар кўп бўлган. 1937 йилда Москвада Пушқинга бағишланган пленум бўлган. Ўша пленумга ўзбек шoir ва ёзувчилари ҳам таклиф қилинган. СССР Ёзувчилар уюшмаси раиси Безименский минбарга чиқиб маъруза қилаётганида Пушқин немис ижодкори Гётенинг шеърларини таржима қилгани ҳақида сўз юритиб, ўша таржимадан мисоллар келтиради. Шунда энг орқадаги ўринида ўтирган Усмон Носир шартта ўрнидан туриб, “Кечирасиз, Николай Александрович, бу Гётенинг эмоси, Шиллернинг мисралари!” дейди. Шунда ушма раиси довозираб қолди ва уни саҳнага таклиф қилди. Тоғам ўзини таништиргач, Николай Александрович ундан, сен Шиллерни ўқигансан, деб сўрайди. Усмон Носир эса, нафақат ўқиганман, ҳатто ёд олганман, дея Шиллернинг достонини ёддан ўқиб беради. Безименский ҳайратда қолади. Тоғамнинг елкасидан маҳкам кучиб, залга қараб, “Ҳамма кўриб қўйсин! Шарқда Пушқин пайдо бўлди!” дейди. Бу эътирофдан сўнг залда ўтирганлар

ўринлардан туриб қарсақ чалади. Ўша кун эртасига рус тилида чиқадиган кўлаб газеталарда ўзбек шoirи Усмон Носирнинг расми ва шеърлари чоп этилади. Афсуски, ушбу эътироф ва шов-шувлар тоғамнинг атрофидогилардан кўпчилигига ёқмаган.

— Усмон Носир қамоқда ўтирган чоғида И.В.Сталинга мактуб ёзди. “Қамоқда ўтган 3 йиллик умрим мобайнида, барча қийинчиликларга қарамай, мен битта шеърин роман, 3 та пьеса ва туркум шеърлар тайёрладим”, дейди шoir. Сиз ўз изланишларингиз давомида шoir ташкиллаган ўша ижод намуналарини ҳам топа олдингизми?

— Буюм билан аям тоғамнинг қўлёзмаларини сўраб, Ёзувчилар уюшмасига боришган. Чунки тоғам бир танишидан шундай қилишларини тайинлаб юборган экан. Мана менинг архивимда тоғам ёзган ўша хат бор. 1940 йилда ёзилган. Сталиннинг имзоси ҳам сақланган. Бу хат уч йилга кечикиб, яъни 1943 йилда келади. Кейинги йили комиссия тузилиб, унинг буйруғига биноан, Усмон Носир оқланади. НКВД ходимлари тоғамнинг араб имлосидаги шеърларини ўқийлмагани боис, уларни Ёзувчилар уюшмасига юборади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси раисига тоғамдан келган қўлёзмаларни олиб киришганида хонада ўтирган бир-икки ижодкорнинг кўз ўнгида ушма раиси қўлёзмаларни гўёки ахлат челагига ташлаб юборади. Кейинчалик эса ўша қўлёзмалар бошқа бировнинг номидан матбуотда эълон қилинади.

— 2019 йилда сизнинг “Етти сайёра” деб номланган китобингиз наشر этилди. Унга “Усмон Носир” номли пьесангиз ҳам киритилган экан. Мазкур пьеса билан танишиб, бу асар бир неча йиллар давомида тўплаган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ёзилганингизни аниқладим.

— Бу маълумотларни тўплаш учун мен бутун умримни, ҳаётимни сарфладим, дея айта оламан. Бу пьеса менинг кўз ёшларим билан сўғорилган. Унинг ҳар бир сатрига қалб қўримини қўшиб ёзганман. Келинг, шу ўринда теровчи Маврин билан бўлган суҳбатда тоғам айтган мана бу гапларни сизга ўқиб берсам: “Менинг юрагимда миллатимнинг гурури Навойи, Бобурлар, Машрабу Лутфиллар, Фузүлий Бедиллар билан бирга Пушқини Лермонтовлар, Гётею Байронлар, Шекспири Шиллерлар, Есенинлар яшайди. Ўзим эса уларнинг меҳриго сеҳри билан яшайман. Мен хоин, сотқинларни ёмон кўраман. Хоҳ улар менинг миллатимнинг вакиллари бўлсин, хоҳ бошқа миллатнинг... Уларнинг беш кунлик шухратини шонини ўйлаб, халқлар ўртасига биз, дўстлик ўртасига раҳна солувчиларни ёмон кўраман. Юрак-юракдан ёмон кўраман... Ҳали вақт келади, келажак авлод оқни оққа, қорани қоратга ажратиб қўяди... Вақт ёмғирга, сувга ўхшайди. Бировлар чаплаб ташлаган лойларни ювиб кетишга қодир”.

Мана, бугунги кунларимиз тоғам айтган ўша вақт келганидан дарак бермоқда. Аллоҳга шукри, мен шу кунларни ўз кўзим билан кўриб турибман. Бунинг учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга яна бир бора кечасиз миннатдорлигимни билдираман!

**Мухтасар ТОЖИМАТОВА**  
суҳбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма — 797  
88991 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова  
Мусаҳҳис: Рўзиқул Очилов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01-25 Топширилди — 02-35